



Plants containing narcotics as the subject of a crime

Khurshid GAZIBEKOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

15 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

15 October 2024

Keywords:

lists of drugs,
psychotropic substances and
precursors,
plants containing drugs or
psychotropic substances or
their precursors.

ABSTRACT

This article examines the provisions of the Law of the Republic of Uzbekistan on Drugs and Psychotropic Substances, focusing on the legal procedures governing the circulation of drugs, psychotropic substances, and precursors. Drawing on various articles of the law, it investigates the classification of specific plants within drug lists and the restrictions placed on their distribution as well. In addition, the article analyzes lists of drug-containing plants adopted by other countries, including the Russian Federation. Finally, it points out the lack of clear understanding regarding shortcomings in Uzbekistan's current legislation, particularly in relation to plants containing psychotropic substances and precursors.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss10/S-pp620-624>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар жиноят предмети сифатида

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

гиёҳвандлик воситалари,
психотроп моддалар ва
прекурсорлар рўйхатлари,
гиёҳвандлик воситалари
ёки психотроп моддалар
ёхуд уларнинг
прекурсорларини ўз ичига
олган ўсимликлар.

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун нормалари таҳлил қилиниб, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига доир ҳуқуқий тартиботлар кўриб чиқилган. Қонуннинг турли моддаларига асосланиб, гиёҳвандлик воситалари таркибидаги ўсимликлар ва уларнинг рўйхатлари, шунингдек уларнинг муомалада бўлишига оид чекловлар ўрганилган. Мақолада хорижий мамлакатлар, жумладан Россия Федерациясининг гиёҳвандлик моддаларини ўз ичига олган ўсимликлар рўйхати таҳлил қилинган. Ўзбекистон қонунчилигидаги мавжуд камчиликлар,

¹ Teacher, Department of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption, Tashkent State University of Law.

жумладан, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган ўсимликлар бўйича етарли тушунчалар берилмаганлиги қайд қилинган.

Растения, содержащие наркотические вещества, в качестве предмета преступления

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

списки наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, растения, содержащие наркотические средства или психотропные вещества либо их прекурсоры.

В статье анализируются нормы закона Республики Узбекистан «О наркотических средствах и психотропных веществах», а также рассматриваются правовые процедуры, связанные с оборотом наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров. На основе различных статей закона изучаются списки растений, используемых в составе лекарственных средств, и устанавливаемые для них ограничения. Особое внимание уделено сравнению с международной практикой, в частности, анализу перечня растений, содержащих лекарственные средства, в законодательстве зарубежных стран, включая Российскую Федерацию. Отмечается недостаточное осознание существующих пробелов в законодательстве Узбекистана, касающихся регулирования оборота растений, содержащих психотропные вещества и прекурсоры.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” Қонунининг 3-моддасига кўра, **гиёҳвандлик (наркотик) воситалари** деганда, гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, **таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган** препаратлар ва **ўсимликлар** тушунилади. Қолаверса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг **муомалада бўлиши** деганда гиёҳвандлик воситалари, – психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, **таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш** тушунилиши белгиланган.

Мазкур қонуннинг 21-моддасига кўра, **таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган, I рўйхатга киритилган ўсимликларни етиштириш** учун рухсат давлат корхоналарига илмий мақсадларда махсус ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ҳамда ушбу Қонуннинг 21¹-моддасида назарда тутилган ҳолларда юридик шахсларга саноат мақсадларида мазкур фаолият турига доир лицензия мавжуд бўлган тақдирда берилади. Демак, бундан кўришимиз мумкинки, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар **I рўйхатга киритилган**.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

- 1) Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (I Рўйхат);
- 2) Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (II Рўйхат);
- 3) Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (III Рўйхат);
- 4) Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (IV рўйхат).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сонли қарори билан тасдиқланган I Рўйхатга юзланадиган бўлса, бундай ўсимликлардан фақат “Опийный мак растение вида *Papaver somniferum L*” келтириб ўтилганлигини ва битта ўсимлик, 2–5 та ўсимлик, 6 та ўсимлик тегишлича кўп бўлмаган миқдор, кўп бўлмаган миқдордан ортиқ миқдор, кўп миқдорларни ташкил қилишини кўришимиз мумкин бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган. Бундай тартиб учта: **тиббий, ижтимоий ва норматив мезонларнинг** мажмуи хос бўлган восита ва моддаларга нисбатан амал қилиши лозим. **Тиббий мезон** нуқтаи назаридан гиёҳвандлик воситаларига келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган, марказий асаб тизимига (МАТ) босинқиратувчи, кўзғатувчи ёки галлюциноген таъсир қилиб, руҳий ва (ёки) жисмоний тобелигига сабаб бўладиган моддалар киради. Моддани гиёҳванд восита деб топиш учун тиббий мақсадларни кўзламаган ҳолда истеъмол қилиниши кўпайиб, кенг миқёсда тарқалганлиги ва бу соғлиқ учун хавф туғдириши муносабати билан улар билан муомалада бўлишнинг алоҳида ҳуқуқий тартибни ўрнатишни талаб қиладиган **ижтимоий мезонни** ҳам инобатга олиш зарур. Тиббий ва ижтимоий мезонлар бирлашиб, воситани гиёҳвандлик ёки психотроп модда қаторига киритиш учун ва **норматив мезонни** ташкил қилувчи махсус норматив ҳужжатда мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда савол туғилади: 1) таркибида **психотроп моддалар ва прекурсорлар** бўлган ўсимликлар бўлмайдами? 2) агар мавжуд бўлса, нега юқоридаги қонунда бу ҳақда тушунча берилмаган? 3) нега юқоридаги Вазирлар Маҳкамасининг 330-сонли Қарорида таркибида психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган ўсимликлар рўйхати берилмаган? 4) норматив мезоннинг бўлиши талаб этилмайдами?

Хорижий мамлакатларда, масалан, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2010 йил 27 ноябрдаги 934-сонли “Россия Федерациясида назорат қилиниши лозим бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорларини ўз ичига олган ўсимликларнинг рўйхатини, шунингдек, Россия Федерациясининг Жиноят кодексининг 231-моддаси мақсадларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорларини ўз ичига олган

ўсимликларни етиштиришнинг йирик ва айниқса йирик миқдорларини тасдиқлаш ҳамда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорларини ўз ичига олган ўсимликлар муомаласига оид айрим Россия Федерацияси Ҳукумати ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва уларнинг кучини йўқотиши ҳақида”ги қарори билан Россия Федерациясида назорат қилиниши лозим бўлган **гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёхуд уларнинг прекурсорларини ўз ичига олган ўсимликлар Рўйхати** тасдиқланган.

Унга кўра, таркибида гиёҳвандлик воситаси, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган ўсимликлар рўйхатига қуйидагилар кириши белгиланган:

- 1) Банистерииопсис Каапи (*Banisteriopsis caapi* турига мансуб ўсимлик);
- 2) Гармала (*Peganum* жинсига мансуб ўсимлик);
- 3) Кўк лотос (*Nymphaea caerulea* турига мансуб ўсимлик);
- 4) таркибида псилоцибин ва (ёки) псилоцин мавжуд бўлган ҳар қандай турдаги кўзиқоринлар;
- 5) Диплоптерис Кабрерана (*Diplorhiza cabrerana* турига мансуб ўсимлик);
- 6) Ибога (*Tabernanthe iboga* турига мансуб ўсимлик);
- 7) Уч рангли ипомея (*Ipomoea tricolor* турига мансуб ўсимлик)
- 8) таркибида мескалин мавжуд кактус (*Lophophora williamsii* турига мансуб ўсимлик) ва таркибида мескалин мавжуд бошқа турдаги кактуслар;
- 9) Кат (*Catha edulis* турига мансуб ўсимлик);
- 10) Кокаин бутаси (*Erythroxylon* турига мансуб ҳар қандай ўсимлик);
- 11) Каноп (*Cannabis* турига мансуб ўсимлик);
- 12) Уйқу чақирувчи кўкнори (*Papaver somniferum* L турига мансуб ўсимлик) ва *Papaver* турига мансуб гиёҳванд моддаларга эга бошқа кўкнорилар;
- 13) Мимоза хостилис (*Mimosa tenuiflora* турига мансуб ўсимлик);
- 14) Митрагина ажойиб (*Mitragyna speciosa* турига мансуб ўсимлик) – Кратом;
- 15) Яшил психотрия (*Psychotria viridis* турига мансуб ўсимлик);
- 16) Гавай атиргули (*Argyreia nervosa* турига мансуб ўсимлик);
- 17) Қалқонсмон турбина (*Turbina corymbosa* турига мансуб ўсимлик);
- 18) Башоратчилар шалфейи (*Salvia divinorum* турига мансуб ўсимлик);
- 19) Эфедра (*Ephedra* L турига мансуб ўсимлик).

Шундай қилиб, бундан кўришимиз мумкинки, амалдаги РФ жиноят қонунчилигида бу нуқтаи назардан гиёҳвандлик жиноятлари предмети аниқ қилиб берилган ва жиноят предмети икки мажбурий белгилар мажмуига эга: 1) биологик (ўсимликлар гиёҳванд моддалар, психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорларини ўз ичига олади); 2) норматив (уларнинг барчаси тегишли Рўйхатга киритилган).

Қолаверса, айрим олимларнинг фикрича, кўзиқоринлар маълум бир вақтдан бошлаб қуйи ўсимликлар оламидан ажратилиб, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг белгиларига эга бўлган алоҳида тирик организмлар синфи сифатида ажратилган. наркожиноятларнинг предмети янгича, яъни таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган **ўсимликлар ва кўзиқоринлар** сифатида белгиланиши, шунингдек, Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонун ва шу каби ўсимликлар ва **кўзиқоринлар** муомаласи боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш таклиф қиладилар.

Юқоридагилар келиб чиққан ҳолда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёхуд уларнинг прекурсорларини ўз ичига олган ўсимликлар Рўйхатини шакллантириш ва “норматив мезонни” мустақкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021.

2. Драгин Г. Л., Калачев Б. Ф. Наркомания и наркобизнес: выявление и пресечение незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ. М., 1998.

3. Федоров А. В. Наркосодержащие растения как предмет преступлений и ответственность за незаконное культивирование наркосодержащих растений // Противодействие незаконному обороту наркотических средств, психотропных, сильнодействующих и ядовитых веществ: уголовно-политические, уголовно-правовые, криминологические, историко-правовые и международно-правовые проблемы. М., 2013.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” Қонуни

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сонли Қарори

6. <https://lex.uz/uz/docs/86044>

7. <https://lex.uz/docs/2815342>

8. <https://base.garant.ru/12180870/>